



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

МАЪМУРИЙ СУДГА МУРОЖААТ ЭТИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Рахмонов Зафаржон Зайниддинович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги

Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

институтини Педагоглар маркази мудири,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: z.raxmanov95@gmail.com, +998-97-731-09-29

АННОТАЦИЯ:

Мақолада маъмурий судга мурожаат қилиш муддатларининг ҳуқуқий табиати, уларнинг маъмурий судлов тизимидаги ўрни ва аҳамияти илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинади. Маъмурий судга мурожаат қилиш муддатлари ҳуқуқий аниқлик, барқарорлик ва адолат тамойилларини таъминлашда муҳим процессуал механизм сифатида баҳоланади. Мақолада миллий қонунчилик, суд амалиёти ҳамда халқаро тажриба асосида мазкур институтнинг мазмун-моҳияти ёритилган. Шунингдек, судга мурожаат қилиш муддатининг бошланиш нуктаси, уни тиклаш шартлари ҳамда “узрли сабаб” тушунчасини қўллаш амалиётидаги айрим муаммолар таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида маъмурий судловда мурожаат муддатларини қўллашда ҳуқуқий аниқликни таъминлаш, суд амалиётида бир хил ёндашувни шакллантириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва хулосалар илгари сурилган.



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Калит сўзлар: маъмурий суд, судга мурожаат қилиш муддати, маъмурий процесс, ҳуқуқий аниқлик, судга кириш ҳуқуқи, узрли сабаб, муддатни тиклаш, маъмурий шикоят, процессуал муддат, даъво муддати.

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ СРОКОВ ОБРАЩЕНИЯ В АДМИНИСТРАТИВНЫЙ СУД

АННОТАЦИЯ:

В статье анализируются правовая природа, роль и значение сроков обращения в административный суд в системе административного судопроизводства. Сроки обращения в административный суд рассматриваются как важный процессуальный механизм обеспечения принципов правовой определённости, стабильности и справедливости. В работе раскрывается содержание данного института на основе анализа национального законодательства, судебной практики и международного опыта. Особое внимание уделяется определению момента начала течения срока обращения в суд, условиям его восстановления, а также отдельным проблемам практического толкования понятия «уважительные причины». По результатам исследования сформулированы научные выводы и предложения, направленные на совершенствование законодательства, обеспечение правовой определённости и формирование единообразной судебной практики применения процессуальных сроков в административном судопроизводстве.

Ключевые слова: административный суд, срок обращения в суд, административный процесс, правовая определённость, право на доступ к правосудию, уважительные причины, восстановление процессуальных



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

сроков, административная жалоба, процессуальные сроки, срок исковой давности.

FORMATION AND DEVELOPMENT OF TIME LIMITS FOR FILING APPLICATIONS TO ADMINISTRATIVE COURTS

ABSTRACT:

This article analyzes the legal nature, role, and significance of time limits for filing applications to administrative courts within the administrative justice system. Time limits for applying to administrative courts are considered an important procedural mechanism for ensuring the principles of legal certainty, stability, and justice. The article examines the essence of this institution based on national legislation, judicial practice, and international experience. Particular attention is given to determining the starting point of the time limit for filing a claim, the conditions for its restoration, and certain practical problems related to the interpretation of the concept of “valid reasons”. As a result of the research, scientific conclusions and proposals aimed at improving legislation, ensuring legal certainty, and establishing a uniform judicial approach to the application of procedural time limits in administrative proceedings are put forward.

Keywords: administrative court, time limit for filing a claim, administrative procedure, legal certainty, access to justice, valid reasons, restoration of procedural time limits, administrative complaint, procedural time limits, limitation period.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш тизими устувор аҳамият



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

касб этади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибида шикоят қилиш институти мазкур ҳимоя механизмининг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади. Айниқса, маъмурий судлов тизими доирасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда мурожаат этиш муддатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши алоҳида аҳамиятга эга.

Маъмурий судга мурожаат этиш муддатлари ҳуқуқий аниқлик, барқарорлик ва адолат тамойилларини таъминлашга хизмат қилади. Бир томондан, белгиланган муддатлар шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун етарли имконият яратади, иккинчи томондан эса, давлат органлари фаолиятида ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди ва ҳуқуқий муносабатларнинг чексиз давом этиб кетишининг олдини олади. Шу боис, мазкур судга мурожаат этиш муттаҳларининг шаклланиши ва ривожланиши масаласи нафақат миллий қонунчилик доирасида, балки халқаро ҳуқуқий тажриба нуқтаи назаридан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи, аввало, конституциявий кафолат сифатида мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар кимнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи белгиланган¹. Ушбу норма маъмурий судлов соҳасида мурожаат этиш муддатларини белгилашда асосий ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, маъмурий суд ишларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси орқали тартибга солиниб, унда судга мурожаат қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

муддатлари, уларни тиклаш шартлари ва процессуал оқибатлари аниқ белгиланган.

Маъмурий судга мурожаат қилишда муддатларнинг аҳамияти бўйича халқаро ва миллий олимлар томонидан турли хил фикр ҳамда мулоҳазалар билдирилган. Хусусан А.В. Юдин маъмурий суд ишларида судга мурожаат муддатининг ҳуқуқий табиатини муҳокама қилиб, қисқа муддатлар “процессуал барқарорлик”ни таъминлаши мумкинлигини, бироқ улар амалда ҳуқуқий ҳимояга киришни чеклаш хавфини ҳам олиб келишини таъкидлайди².

Энид Кэмпбелл ва Мэттью Гровзнинг фикрича “муддат бу – ҳуқуқий барқарорлик ва яхши маъмурият учун зарур чеклов ҳисобланади. Маъмурий судларда муддатни қўллаш асосан уч мақсад билан изоҳланади: биринчидан, **ҳуқуқий аниқлик** ва ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги;

иккинчидан, давлат бошқарувида қарорларнинг узоқ вақт “осилиб” қолмаслиги (good administration);

учинчидан, кечиккан даъволарда далиллар йўқолиши ва адолатли кўриш имконияти пасайиши хавфини камайтириш³.

Яъни бир гуруҳ олимлар Х.У.Р. Уэйд ва К.Ф. Форсайтнинг фикрича, судларга мурожаат қилишда белгиланган қатъий муддатлар ҳуқуқий аниқликни мустаҳкамлайди, аммо улар судга кириш ҳуқуқига зид равишда қўлланмаслиги шарт⁴.

² <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-priroda-sroka-na-obraschenie-v-sud-po-delam-administrativnogo-sudoproizvodstva>

³ https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.22145/flr.32.1.2?utm_source

⁴ https://www.cambridge.org/core/services/aop-cambridge-core/content/view/13A47D44620FDC97FC21EB09DD055B71/S0067205X00009510a.pdf/time_limitations_on_applications_for_judicial_review.pdf?utm_source



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Ҳозирги кунда олимлар томонидан судларга мурожаат қилиш муддатлари инсон ҳуқуқларини чеклайдиган бўлмаслиги кераклиги бўйича фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, Европа Инсон Ҳуқуқлари Суди *Zubac v. Croatia* (2018) ишида судга мурожаат қилишга оид процессуал муддатларни қонуний мақсадларга хизмат қилиши мумкинлигини тан олади, бироқ уларнинг қўлланиши инсон ҳуқуқлари моҳиятини йўққа чиқармайдиган бўлиши лозимлиги қайд этилган⁵.

Миллий олимлар томонидан ҳам маъмурий судларга мурожаат қилиш муддатлари бўйича фикрлар билдирилган. Жумладан Ж. Нематов маъмурий ишларда мурожаат муддатига риоя қилиш ишни тўғри ҳал этишда муҳим эканини таъкидлаб, муддатнинг бошланиши аризачига ҳуқуқ бузилгани, тўсиқ яратилгани, мажбурият юклангани маълум бўлган куннинг эртасидан ҳисобланишини кўрсатади⁶.

Х. Давлатовнинг фикрича суд ҳар бир маъмурий иш бўйича аризачи томонидан қонуний муддатга риоя қилинганини аниқлаши, муддат бузилган бўлса, муддатни ўтказиб юбориш сабаблари муҳокама қилиниши лозим, муддатнинг бошланиши манфаатдор шахс хабар топган куннинг эртасидан ҳисобланади⁷.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги мустақил илмий хулосани илгари суриш мумкин:

биринчидан, маъмурий судга мурожаат қилиш муддатлари институти ҳуқуқий давлат шароитида “иккиламчи техник талаб” эмас, балки давлат ва

⁵ https://hudoc.echr.coe.int/fre?i=001-181821&utm_source

⁶ “Юриспруденция” ҳуқуқий илмий-амалий журнали, 2021 йил 2-сон // <https://jurisprudence.tsul.uz/wp-content/uploads/2022/08/Yurisprudensiya-2-son.pdf>

⁷ “Одил судлов” ҳуқуқий, илмий-амалий нашр, 2020 йил 7-сон // https://old.sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/7_uz.pdf



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

шаҳс ўртасидаги муносабатларда мувозанатни таъминловчи асосий процессуал механизмдир.

иккинчидан, муддатларни белгилашда ва қўллашда уҳта мезон устувор бўлиши керак:

- ҳуқуқий аниқлик ва барқарорлик;
- судга кириш ҳуқуқининг реал ва самарали таъминланиши;
- пропорционаллик тамойили.

учинчидан, миллий қонунчиликда муддатни тиклаш институти мавжудлиги халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда “ортиқча формализм”нинг олдини олиш воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин. Бироқ бу механизм амалда самарали ишлаши учун судлар “узрли сабаб” тушунчасини тор ва формал эмас, балки инсон ҳуқуқлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилиши мақсадга мувофиқ.

тўртинчидан, муддатларнинг бошланиш нуқтасига оид масалаларда субъектив хабардорлик мезонини қонунчилик даражасида янада аниқлаштириш суд амалиётида турли хил талқинларни камайтиради ва ҳуқуқий аниқликни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда маъмурий органлар қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳам белгилаб қўйилган. Маъмурий судлар ташкил этилгач мурожат қилишнинг умумий муддати 2018 йилда 3 ой этиб белгиланган эди. 2023 йил 15 мартда қабул қилинган қонун билан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя имкониятларини кенгайтириш мақсадида 6 ойга узайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

24-сон қарорида⁸ маъмурий органлар ва улар мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш тўғрисидаги ишларни кўришда, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг даъво муддати тўғрисидаги нормаларини қўллашга ҳақли эмас ва фақат Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларда назарда тутилган муддатларгагина асосланиши кераклиги белгиланган.

Шунингдек, суд ҳар бир иш бўйича аризачи томонидан қонун билан белгиланган судга мурожаат қилиш муддатларига риоя қилинганлигини аниқлаши, мазкур муддатлар бузилганда эса, манфаатдор шахс ушбу ҳолатга эътибор қаратганлигидан қатъи назар уларнинг ўтказиб юборилиши сабабларини муҳокама қилиши лозим.

Маъмурий судларга мурожаат қилишда муддатнинг қачондан бошланаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги Олий суди Пленуми қарорида белгиланишича судга мурожаат қилиш муддати аризачига қуйидагилар маълум бўлган куннинг эртасидан бошланади:

- унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;
- унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишга тўсиқлар вужудга келтирилганлиги;
- унинг зиммасига бирор-бир мажбурият юкланганлиги.

Муддат ўтказиб юборилгани маъмурий аризани қайтариш учун “автоматик” асос эмас: ариза иш юритишга қабул қилиниб, муддатга риоя

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида” ги 24-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4711311>



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

қилинган-қилинмагани ва ўтказиб юбориш сабаблари муҳокама қилиниши керак; агар муддат тикланмаса – талабни қаноатлантириш рад этилади.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, маъмурий (судгача) шикоят бериш муддати ҳам мавжуд: “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунга кўра, одатда 30 кун ичида маъмурий шикоят бериш мумкин ва узрли сабаблар бўлса маъмурий орган томонидан тикланиши мумкин.

Ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлса, маъмурий судларга муурожаат қилиши муддати турлича эканлигини кўриш мумкин. Хусусан Европанинг айрим давлатларида маъмурий судга муурожаат муддатлари кўпинча қисқа: Германияда 1 ой, Францияда 2 ой; Европа Иттифоқи Судларида (Article 263 TFEU асосида) бекор қилиш даввоси учун 2 ой, Буюк Британияда 3 ойдан кечиктирмай муурожаат қилиш лозим⁹. Россия Федерациясида қонунчилигида умумий қоида сифатида 3 ойлик муддатни қўллаиди; шу билан бирга давлат органи шикоятни кечиктириб кўрса ёки умуман кўрмаса, бу “узрли сабаб” сифатида баҳоланиши мумкинлиги қайд этилади¹⁰.

Ўзбекистон қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, маъмурий судларда муурожаат қилишни уч хил муддатга ажратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи тоифа – маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат (ҳаракатсизлик) устидан судгача шикоят бериш муддати. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунга кўра маъмурий шикоят маъмурий ҳужжат (ёки маъмурий ҳаракат) ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан ёки маълум бўлган пайтдан эътиборан 30 кундан кечиктирмай берилиши мумкин, узрли сабабларга кўра ўтказилса, маъмурий орган тиклаши мумкин.

⁹ https://www.gesetze-im-internet.de/vwgo/_74.html

¹⁰ <https://mintrans.gov.ru/ministry/results/192/193>



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Иккинчи тоифа – маъмурий судга мурожаат этиш муддати. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 186-моддага кўра маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой ичида судга берилиши мумкин.

Учинчи тоифа – процессуал муддатлар. МСИЮтКнинг 118-моддасига кўра, процессуал муддат тугаганидан кейин қилинган ҳаракатлар юридик оқибатларга олиб келмайди; муддатдан кейин берилган ҳужжатлар (муддатни тиклаш илтимосномаси берилмаган ёки рад этилган бўлса) қайтарилиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида маъмурий органлар томонидан шахсни хабардор қилиш амалиёти ҳали тўлиқ бир хил шаклланмагани, қарорларнинг етарли даражада сабаблантирилмаслиги ва шикоят қилиш тартиби ҳақидаги маълумотлар ҳар доим ҳам аниқ кўрсатилмаслиги амалда кузатилади. Бундай шароитда маъмурий судга мурожаат қилиш учун жуда қисқа муддат белгилаш шахсининг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалда чеклаб қўйиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, 6 ойлик мурожаат муддати нисбатан мутаносиб ечим сифатида баҳоланиши мумкин. Чунки у, бир томондан, ҳуқуқий барқарорликни сақлаб қолади, иккинчи томондан эса, шахсга ўз ҳуқуқи бузилганини англаш, ҳуқуқий маслаҳат олиш ва тегишли тартибда судга мурожаат қилиш учун етарли вақт беради. Айниқса, муддат “ҳуқуқ бузилгани ҳақида маълум бўлган пайтдан” ҳисобланишини инобатга олганда, амалиётда бу пайтни аниқлаш ҳар доим ҳам осон эмас. Шунинг



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

учун кенгроқ муддат белгилаш адолат ва процессуал имкониятлар тенглигини таъминлашга хизмат қилади.

Илмий нуқтаи назардан айтиш мумкинки, 6 ойлик муддат маъмурий судловда шахс манфаатлари ва давлат бошқаруви барқарорлиги ўртасидаги мувозанатни сақлашга кўпроқ мос келади. Бундай ёндашув судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг реал ва самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, формал чеклов эмас, балки адолатли процессуал кафолат сифатида намоён бўлади.

Муддатларни ўтказиб юборилганлик ҳолатида “узрли сабаб” тушунчасининг амалда прогнозли ва бир хил талқин қилинадиган мезонларга эга эмас. Амалдаги қонунчиликда процессуал муддатни тиклаш имконияти назарда тутилган бўлса-да, “узрли сабаб”нинг аниқ мезонлари ёки намунавий рўйхати тўлиқ кодификация қилинмаган. Бу эса суд амалиётида турлича ёндашувлар шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Натижада бир хил ҳолатларда айрим судлар муддатни тикласа, бошқа ҳолларда тикламаслик амалиёти кузатилиши эҳтимоли мавжуд. Бу эса ҳуқуқий аниқлик ва прогнозлилиқ тамойилларига маълум даражада салбий таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, қонун даражасида ёки Олий суд Пленуми тушунтиришларида “узрли сабаб”ни баҳолашга оид аниқ йўналиш берувчи қоидаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, қуйидаги ҳолатлар “узрли сабаб”ни презумпция тарзида юзага келтириши мумкинлиги белгилаб қўйилса, амалиётда бир хил ёндашув шаклланади:

Маъмурий судлов амалиётида учрайдиган яна бир назарий-амалий муаммо – “даъво муддати” ва “муурожаат муддати” тушунчаларининг ҳуқуқий табиати ва қўлланиш соҳасини аниқ ажратиб бериш масаласидир. Пленум тушунтиришларида фуқаролик қонунчилигидаги даъво муддати



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

нормаларини маъмурий суд ишларида қўллаш мумкин эмаслиги қайд этилган бўлса-да, мазкур фарқнинг доктринал асоси амалда ҳар доим ҳам чуқур ёритилмайди.

Аслида, “даъво муддати” моддий-ҳуқуқий институт бўлиб, у субъектив ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилиш имкониятининг вақтинча чекланишини назарда тутати ва одатда жавобгарнинг эътирозига боғлиқ тарзда қўлланилади. Унинг ўтиши ҳуқуқнинг ўзига эмас, балки уни суд тартибиде талаб қилиш имкониятига таъсир қилади.

“Мурожаат муддати” эса маъмурий процессуал институт бўлиб, у судга мурожаат қилиш тартибининг бир элементи сифатида намоён бўлади. У моддий ҳуқуқнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳал қилмайди, балки процессуал тартиб доирасида ишни қабул қилиш имкониятига таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан, уни preclusive, яъни процессуал-тўсиқ характерига эга институт сифатида баҳолаш мумкин. Бу муддатнинг ўтиши, одатда, суд томонидан мустақил равишда текширилади ва иш юритишга қабул қилиш масаласига бевосита таъсир қилади. Мазкур фарқни фақат Пленум тушунтириши даражасида эмас, балки маъмурий процесс кодексига расмий шарҳ (official commentary) ёки ўқув-амалий қўлланмалар орқали аниқ доктринал таъриф билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон.



World Conference on Agricultural and Earth Sciences

Hosted Online from Istanbul, Turkey

Date: 20th March, 2026

Website: <https://econferencia.com>

3. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2026 й., 03/26/1117/0116-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарори.
5. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг айрим принципларига тушунтиришлар. (Муаллифлар: Ш.Ахатова, Ж.Нематов, Д.Артиков, З.Борсиева). Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги. – Т.: 2024. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 16-бет.¹
6. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-priroda-sroka-na-obraschenie-v-sud-po-delam-administrativnogo-sudoproizvodstva>
7. ¹ https://journals.sagepub.com/doi/abs/10.22145/flr.32.1.2?utm_source
8. ¹ https://www.cambridge.org/core/services/aop-cambridge-core/content/view/13A47D44620FDC97FC21EB09DD055B71/S0067205X0009510a.pdf/time_limitations_on_applications_for_judicial_review.pdf?utm_sourcehttps://hudoc.echr.coe.int/fre?i=001-181821&utm_source
9. “Юриспруденция” ҳуқуқий илмий-амалий журнали, 2021 йил 2-сон // <https://jurisprudence.tsul.uz/wp-content/uploads/2022/08/Yurisprudensiya-2-son.pdf>
10. “Одил судлов” ҳуқуқий, илмий-амалий нашр, 2020 йил 7-сон // https://old.sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/7_uz.pdf